



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 3 сентябрь, № 180 (8803)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҲАМИША ЁДИМИЗДА

2 сентябрь куни давлат ташкилотлари вакиллари,
Тошкент шаҳри жамоатчилиги Ислон Каримовни ёд этиш учун йиғилди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Ислон Каримов мамлакатимиз мустақиллигини эълон қилган ва уни тараққиёт йўлига олиб чиққан етакчидир. Давлатимиз раҳбари Мустақиллик байрамидаги нутқида бунинг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлади:

«Айнан мустақиллик туфайли миллий давлатчилигимиз қайта тикланди. Ўзбекистон янги тарихий даврга қадам қўйди. Айнан истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади».

Шундай қутлуг кунда давлатимиз мустақиллиги учун курашган ва унга хизматлари сингган ватанпарвар инсонлар хотирасини миннатдорлик билан ёдга олишимиз табиийдир. Биринчи Президентимиз тарихнинг туб бурилиш палласида, оғир даврда мамлакатимизга раҳбарлик қилган эди.

Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Қуръон тиловат қилинди. Биринчи Президентимизнинг юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳоли турмушини яхшилаш борасидаги хизматлари ёдга олинди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари ҳам Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Хотира тадбирлари Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ПАРАЛИМПИА ҒОЛИБЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СУЎБАТЛАШДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Париждаги Паралимпия ўйинларида ғалаба қозониб, терма жамоамиз ҳисобидаги олтин медаллар сонини бештага етказган енгил атлетикачилар Элбек Султонов, Ёркинбек Одилов ва таэквондочимиз Асадбек Тоштемиров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентимиз ўз номидан ва барча юртдошларимиз номидан спортчиларни самимий қутлаб, бу зафарлар энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллик кунига муносиб совға бўлганини таъкидлади. Паралимпиячиларимиз мурасасиз беллашувларда кўрсатаётган юксак маҳорат ва метин ирода бутун халқимиз, айниқса, ёшларни руҳлантираётгани қайд этилди.

Юртбошимиз йигитларнинг мураббийлари

ва ота-онасига миннатдорлик билдириб, кеча совриндор бўлган спортчиларимизга ҳам салом ва табрик сўзларини йўллади.

Чемпионлар ҳар бир чиқишда давлатимиз раҳбари ва халқимиз қўлловини ҳис этганларини таъкидлаб, юртимизда паралимпия ҳаракати ривожига қаратилаётган эътибор ва яратилган шароитлар учун раҳмат айтдилар.

Ў.А.

«Париж — 2024»

МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРДАН НАВБАТДАГИ МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Париж шаҳри мезбонлигида ўтаётган XVII ёзги Паралимпия ўйинларининг наватдаги кунги баҳслари ҳам Ўзбекистон вакиллари учун муваффақиятли кечди.

Пара енгил атлетиканинг эркаклар ўртасидаги «F37» классида ядро улоқтириш дастурининг финал баҳсида икки нафар спортчимиз — Қудратуллахон Маъруфхўжаев олтин, Толиббой Йўлдошев эса бронза медалларни қўлга киритди. К. Маъруфхўжаев 16.37 метр натижа билан чемпионлиқни тантана қилган бўлса, 15.24 метр кўрсат-

кични қайд этган Т. Йўлдошев 3-ўринни банд қилди.

Делегациямиз ҳисобига тўртинчи олтин медални яна бир пара енгил атлетикачимиз Элбек Султонов келтирди. У ядро улоқтириш бўйича «F12» классида кечган беллашувларда 16.45 метр натижа билан шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.



БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!



МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Кун кеча Ватанимиз истиқлолининг 33 йиллигини катта шодиёналар, салмоқли ютуқлар ва улкан режалар билан қарши олдик. Байрам шукуҳи айна чоғда ҳам жойларда ва қалбларимизда давом этаётир. Зеро, бугун юртдошларимиз миллий истиқлол бебаҳо неъмат эканини теран тушуниб етмоқда. Юртда кечаётган ўзгаришлар ҳар бир ҳудуд, гўша, маҳалла, хонадон, оила, тақдирларга ҳам кириб келмоқда.

Байрам тантаналарида нутқ сўзлаган Президентимиз кейинги йилларда мамлакат ичкарисида ва халқаро майдонда эришаётган ютуқ ва натижаларни эътироф этгани ҳолда олдимизда турган долзарб вазифаларга ҳам алоҳида урғу қаратди. Хусусан, таълим-тарбия масаласида батафсил сўз юритилди. Бу бежиз эмас. Негаки, барча соҳа ва тармоқлар ривожига ва ҳар бир ютуқ замирида таълим-тарбия мужассам. Давлатимиз раҳбари ибораси

билан айтadиган бўлса: «Муаммоларимизнинг ечими, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган калит ҳам — фақат ва фақат таълим ва тарбиядир».

Бир қатор юртдошларимиз миллий истиқлол, ушбу неъмат кадр, биз шу пайтга қадар эришган ютуқлар, истиқболдаги вазифалар ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

2 ва 3-саҳифаларга қаранг. ➡

ШОДИЁНАЛАР ЯРАШГАН ОНАЖОН ЮРТИМ!

Истиқлол — халқимизни жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг, ўз ўрни ва сўзига эга бўлиш бахтига муяссар этган қутлуг байрам. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг 33 йиллиги муносабати билан юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи давом этмоқда. Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, қишлоғу овулларида, маҳаллаларда, ҳар бир хонадонда байрам катта шодиёна сифатида кутиб олинди. Идора ва ташкилотларда байрам муносабати билан тантанали тадбирлар ташкил этилмоқда.

«Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз» шiori остида ўтказилаётган бундай тадбирларда истиқлолнинг буюк неъматлиги, мустақиллик халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган бекиёс қадрият экани эътироф қилинмоқда. Мустақиллиқни янада мустақамлаш, янги марраларни забт этиш учун урдаланиши зарур бўлган чора-тадбирларга эътибор қаратилди. Зотан, Президентимизнинг халқимизга байрам табригида айтилганидек, бугунги шиддатли ҳаётнинг ўзи барчамизни янада улкан марралар сари даъват этмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус шаҳридаги марказий амфитеатрда юртимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тантанана Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг Раиси Аманбай Оринбаев сўзга чиқиб, йиғилганларни энг улуг, энг азиз айём билан қизгин табриклади.

Таъкидлаб ўтилганидек, сўнгги йилларда юртимизда Президентимиз раҳнамолигида барча ҳудудлар қатори Қорақалпоғистонда ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Сўнгги икки йилнинг ўзига Қорақалпоғистон учун аҳамиятли қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, аҳоли турмушу шароити янада яхшиланмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудда кичик бизнес ва тадбиркорлик, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Бунинг натижасида халқимиз учун янги иш ўринлари яратилиб, қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари, қўллаб ижтимоий объектлар ишга туширилди.

Тантанали байрам тадбири куй-қўшиқлар билан давом этди. Дастурдан жой олган санъат усталари ва ёш иктидор эгалари ижросидаги Ватан, дўстлик, тинчлик ва тотувлик мадҳ қилинган қўшиқ ва рақслар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

АНДИЖОН. Байрамнинг бош тадбири вилоят марказидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Унда сўз олган вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов вилоят аҳлини истиқлол айёми билан муборакбод этди.



— Бугун Ватанимиз жаҳон майдонига ўз ўрнига эга, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Ойистахон Мирзаева. — Айниқса, сўнгги 6-7 йил туб ислохотлар даври бўлди. Ўзбекистон янги босқинга қадам қўйди. Қисқа вақт ичида бунинг ижобий натижасини ўз ҳаётимизда кўриб турибмиз. Мустақиллигимизнинг 33 йиллик байрами арафасида вилоятда 100 га яқин йирик иншоотлар фойдаланишга топширилгани бунга аниқ мисол бўла олади.

Айтиш жоизки, сўнгги етти йил ичида вилоят иқтисодиёти жадал юксалди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2016 йилда 16,1 трлн. сўм бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 68,2 трлн. сўмга етди. Бу давр мобайнида аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллиқни қисқартириш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобига 1,6 млн.дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Байрам тадбирида 17 нафар ҳамюртимизга давлат мукофотлари топширилди.

БУХОРО. Тинч ва осойишта, бунёдкорлик оғушидаги юртга байрамлар ярашади. Мустақиллигимизнинг қутлуг 33 йиллигини Бухоро вилояти аҳолиси ҳам ўзгача руҳда қарши олмақда. Зеро, вилоятда саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, ижтимоий соҳаларда ҳам қатор ижобий натижалар қўлга киритилляпти.

— Маълумотларга қараганда, вилоятимизда жорий йилнинг дастлабки ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот 106,3 фоизни ташкил этди, 16,7 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, — дейди илғор фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаммад Аҳмедов. — Истиқлол байрамини биз, деҳқонлар ҳам ёруғ юз билан қарши оляпмиз. Давлатга дон сотиш шартномавий режа ошириб бажарилди. Пахтачилик соҳасида ҳам юқори самарадорликка эришиш учун астойдил меҳнат қиляпмиз.

БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ,



Ҳасан ПАЙДОЕВ (Халқ сўзи) ва Носирхон ХАЙДАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЙЎЛЛАРИМИЗНИ ВА ҚАЛБЛАРИМИЗНИ ЁРИТГАН МАЁК

Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинганида ва уни дунё мамлакатлари тан олганида, биз тенгқурлар эндигина олий ўқув юртини тамомлаган ёш мутахассис эдик. 1991 йилдан бугунгача ўтган ўттиз уч йил мобайнида турли заҳматли, қувончли кунларга ҳам шохид бўлдик.



тўққизлаштириб, янги марралар сари илҳомлантирди, десак айни ҳақиқат.

Сирасини айтганда, тирикчилик ташвишлари унутилиб кетар экан, аммо эзгулик яшаб қолар экан. Мустақиллик менинг тақдиримда ҳам қувончли воқеаларга сабабчи бўлди. Шу улуг неъмат туфайли шонли тарихимиз, аллома ота-боболаримиз, азалӣ қадриятларимиз бадий ифода этилган бир қанча асарларим дунё юзини кўрди, хориж тилларига таржима қилинди, Ватанимизда ва чет элларда эътирофларга сазовор бўлди, шу билан бирга, "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" фахрий унвони насиб қилди.

Шундай бир ўй хаёлга келади: агар олдингидай босим ва зуғум давом этганида, яқин-яқинда ҳам бу мавзуга асар ёзишнинг имкони йўқ эди, мабодо ёзилганида ҳам уларнинг биронтаси дунё юзини кўрмаган бўларди деб ўйлайман ва бугунги кун учун шукрона хислари юракни тўлдирди.

Бу йилги энг улуг ва энг азиз байрамимиз "Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанимиз!" шиори остида нишонланмоқда. Ушбу қорлов Президентимиз белгиланган берган хайрли, улкан марралар сари барчамиз бир жону бир тан бўлиб, ягона Ватан бўлиб интилишимиз кераклигини ўзида ифода этганлиги билан ҳам янада аҳамиятлидир.

Исажон СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ҲАЁТДАН САБОҚ ОЛИБ...

Миллий истиқлолимиз ҳақида сўз очилса, албатта, Ватан озолиги учун жон фидо этган, бутун ҳаёти ва фаолиятини шу йўлга бағишлаган аждодларимизнинг журъат ва жасорати тилга олинади. Аслида, озолиқ халқимизнинг асрий орзуси сифатида доим миллат шуурида яшаб, ички исён бир лаҳза бўлса-да тўхтаган эмас.

Эсимда, ўқувчилик, кейинчалик талабалик давримизда таълим муассасаларининг йўлакларига мустамакка тузумнинг халқимиз бошига ёғдирган қулфатлари, қанчадан-қанча бойлигимиз ташиб кетилгани — миллионлаб тонна пахта, ипак, олтин, газ ва бошқа табиий қазилма бойликлари бўлгани ҳолда халқимизнинг улардан мосуволикда, турли маломатларни ютиб яшаётгани ҳақида баҳс-лашардик. Қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидасини ўқиб, сатрлар орасидаги яширин гоёни толган бўлардик. Албатта, бу кўргиликлар ҳам қачондир барҳам топши, барча империялар қатори шўро мустамлакачилик сиёсати асосига қурилган "иттифок" ҳам таназзулга юз тутишига ишонардик.

Шукрки, ўз тақдиримиз, ўз табиий неъматларимиз, ўз меҳнатимиз роҳатида эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Лекин бу осон бўлгани йўқ — халқимиз жасорати, бирдамлиги туфайли



эришилди. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йиллари халқимиз учун энг оғир, синовли давр бўлди. Бутун умрини қончилик соҳасига бағишлаган мутахассис сифатида таъкидлашим жоиз, сиёсий ва иқтисодий босимлар узок йиллар давом этди. Сабаби етакчи санолачи корхоналарининг ишлаб чиқариш барқарорлиги атайин сунъий равишда турли минтақаларга бoғлаш ташланган эди. Арзимаган техника ва технология ёки эҳтиёт қисмларни пулимизга олсак-да, бировларнинг қошу қовоғига қарашга мажбур эдик. Янги ҳамкорлар билан иқтисодий алоқа-

ларни жонлантисақ, эски ҳамкорлар маломатига учурадик. Бу машаққатлар сабр-бардош, ҳамжиҳатлик билан енгиб ўтилди.

Ватанимизнинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида янги Ўзбекистон сифатида дунё ҳамжамиятига юз тутиши тамомла янги даврни бошлаб берди. Ташқи ва ички мустақимлик, иқтисодий, иқтисодиётда чинаям бозор механизми, инвестициявий жозибдорликнинг оширилиши, ўзаро тенг манфаат асосига қурилган халқаро ҳамкорлик имкониятларимизни тўла ишга солишга замин яратди. Дейлик, қончилик саноатининг ўзида 2017 — 2023 йилларда умумий қиймат 2,9 млрд. АҚШ долларилек 23 та йирик инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши, янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиши ва мавжудларнинг модернизация қилиниши эвазига олтин қазиб чиқаришда нафақат барқарорлик сақлаб қолинди, балки сезиларли даражада ўсди ҳам.

Қолаверса, ушбу лойиҳалар ҳисобига 15 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилди. Қисқача айтганда, Ўзбекистон юқоридagi табиий бойликлари ишлаб чиқаришдаги нуфузини нафақат сақлаб қолди, балки мустақимликка эришди.

ЎҚИТУВЧИЛАР ЭЪЗОЗ ТОПДИ

Эллик йилдан ошқ вақт мобайнида мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Бу йиллар давомида таълим соҳасида бўлган ўзгаришлар, эврилишлар, ислохотлар ичида юрган инсон сифатида айта оламани, ўқитувчи ва ўқитувчилик касби ҳеч қачон ҳозиргидек эъзоз топмаган.



...Кечагидек эсимда, 1985 йили вилоят миқёсида биринчи марта Қарши шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабида математика фани чуқурлаштириб ўқитиладиган синф очганмиз. Аммо биргина шу синфни очиш учун кетган вақт, заҳматлар, таънао дашонларни эсласам, ҳали-ҳануз юрагим ўртанади. Не-не қийинчиликлар билан бу синфни ташкил этиб, иш бошлаганмиз, лекин ҳужжат ишларини вақтида ҳал қила олмай, мактабнинг барча фан ўқитувчилари 6 ой маошсиз қолиб кетган...

Тасаввур этилсими, битта ихтисослаштирилган синфни очиш шунча муаммо эди. Бугун юртимизнинг барча ҳудудда ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари, Президент мактаблари ташкил этилаётганини кўриб, мана бўлар экан-ку, деган ўй кечди хаёлимдан.

Ёки бошқа бир мисолни айтмай. Ўша йиллари вилоятдаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтида Математика кафедраси мудири бўлиб ишлаган раҳматли Н. Жўраев физика-математика ихтисослаштирилган мактаб очиш учун жуда кўп ҳаракат қилди. Унинг мақсади болаларимизни ёшларидан қобилияти, иқтидорига қараб маълум бир фанлар бўйича чуқурлаштириб ўқитиш, малакали олимлар, ишчи-хизмат қиларларни тайёрлаш эди. Аммо барча савий-ҳаракатлари, уринишлари бесамар кетди. Мактабни очишга юқоридан русат ололмади.

Бугун эса бундай ташаббусларни давлатнинг ўзи қўллаб-қувватлаётган, ҳар томонлама кўмак қўрсатяпти, имтиёзлар бериляпти. Шуларни кўриб, не-не ҳамкабларим ўз орзуси йўлида қилган бесамар ҳаракатларига ўқинаман.

Албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва уларнинг натижасини бугун ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз.

Ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида қўлга киритаётган натижалар, бир мактабнинг ўнлаб ўқувчилари дунёнинг энг нуфузли олимпиадаларида ўқиш учун грант ютаётгани, уларнинг санъат, спорт ва бошқа соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларини кўриб, биз, кек-

каратди. Зотан, биз қай бир соҳада қандай ютуқларга эришаётган бўлсак, буларнинг барчаси истиқлол шарофатидандир.

Дарҳақиқат, мустақиллик — улуг неъмат, унинг қадрига етиш ҳар бир юртоқшимиздан фаол фуқаролик позициясини талаб этади. Айниқса, манфаатлар тўқнашуви кетаётган, минтақавий ихтилофлар авж олган бугунги кунда ҳар бир юртоқшимиз қалбида эришилган марраларга дахлдорлик туйғуларининг ошиши давлатимизнинг халқаро майдонда нуфузи бундан-да юксалишини таъминлайди. Бинобарин, бахт-саодатга эришишни тушуниш ва ният этишнинг ўзи қийфоз эмас, балки унинг қадрига етиш ва кўз қорачиғидек асраш ҳам муҳим ҳисобланади. Мустақиллигимиз ўттиз уч йиллигининг "Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанимиз!" шиори остида нишонланаётганлигида ҳам айни ҳикмат мужассам.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз ҳақида ўйлаганда, истиқлол тақдиримизда ва халқимиз пешонасида борлигида, тарихнинг мурраккаб синовларини зиммасига олиб, келажак авлод истиқболи ва икбали йўлида фидокорона меҳнат қилаётган Юрт раҳбари билан бир сафда эканлигимизга беадад шукроналар келтирамиз.

Қувондик САНАҚУЛОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ШОДИЁНАЛАР ЯРАШГАН ОНАЖОН ЮРТИМ!

Энг улуг, энг азиз байрам **ЖИЗЗАХ** вилоятда ҳам кўтаринки руҳда нишонланди. Унда вилоят ҳокими Эргаш Солиев барчани мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрами билан самимий муборакбод этди.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, ўтган етти йилда вилоят иқтисодиёти 3,1 баробарга ўсди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,2 млн. сўмдан 25 млн. сўмга етказилди. Ўртача ойлик иш ҳақи 1,5 млн. сўмдан 2,6 баробарга ортиб 3,8 млн. сўмни ташкил қилмоқда.

Саноатни ривожлантириш, вилоятни аграр ҳудуддан саноат ҳудудига айлантириш борасида сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг шахсан ташаббуси ва кўрсатмалари билан улкан ишлар амалга оширилди. Бундан етти йил аввал саноат корхоналари томонидан 341 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугун уларнинг сонини уч баробар ортиб, 1100 турга етказилди. Бу ютуқлар вилоят иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга халқ фаровонлигини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Тадбирнинг бадий қисмида миллий-маданий марказлар вакиллари, таникли санъаткорлар, эстрада хонандалари томонидан намоиш этилган куй-қўшиқ ва рақслар барчага байрамона кайфият улашди.

НАВОЙ вилоятининг 330 дан ошқ маҳалла фуқаролар йиғинлари, Қизилқум кенгликларидagi ҳар бир қишлоқ ва овулда "Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанимиз!" гоёси асосида байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Юзлаб эзгу тадбирлар, қурувчиларнинг байрам тўхфалари, янги уй-жой сохибларининг ҳовли тўйлари, катта-кичик корхоналарнинг ишга туширилиши эса айёмига ўзгача шуқуқ бахш этди.

Байрам арасида 1020 хонадонли 20 та уй, жумладан, "Янги Ўзбекистон" массивларида 8 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилиб, 5 минг оила ўз бошпанасига эга бўлди. Шунингдек, вилоятнинг 15 та маҳалласида ичимлик суви тармоқларининг янгидан тортилиши натижасида 36 минг аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши яхшиланди.

Байрамнинг асосий тантаналари вилоят марказидаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида ташкил этилди. Вилоят ҳокими Нормат Турсунов йиғилганларни мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллиги билан қўллаб, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз эришган марралар ва қўлга киритилган муваффақиятларга Навоий вилояти мисолида тўхталиб ўтди.

Байрамга вилоят бадий хаваскорлик дасталари, пойтахтдан таклиф этилган санъат усталари ҳамда "Фаҳрод" маданият саройи жамоалари ҳамкорлигида тайёрланган концерт дастури янада файз бағишлади.

Ўттиз учинчи бор нишонланаётган Истиқлол байрами **НАМАНГАН** вилоятидаги шаҳар ва қишлоқларда ҳам ўзгача шуқуқ билан қутиб олинди. Жойларда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлар, халқимиз ҳаётидаги беқиёс ўзгаришлар фахр билан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Маданий бойликлари сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот марказига аъзо бўлди.

— Энг улуг, энг азиз байрамимиз шукухи хар бир махалла, хар бир хонадонга кириб борди, — дейди Ширин шахрининг Нуробод махалласида яшовчи меҳнат фахрийси Йўлчи Ниназаров. — Энг қадрли байёмимизни обод ва кўркам махаллаларда тантанали қилаётганимиз эса қалбимизга янада улкан қувонч бахш этмоқда.

ШОДИЁНАЛАР
ЯРАШГАН
ОНАЖОН ЮРТИМ!

← **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** маркази — Нурафшон шаҳридаги амфитеатрда бўлиб ўтган байрам тадбирида фаоллар, нурунийлар, ишлаб чиқариш илгорлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 33 йиллигини ҳудуд аҳолиси ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги катта ютуқлар билан қутиб олишди.

Хусусан, тadbirkorлик йўналишида салмоқли қадмлар ташланди. Яъни йил бошидан буйн Россия Федерацияси, Хитой, Польша, Туркия ва Вьетнам каби давлатлар билан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга йўналиштирилган 200 га яқин истиқболли лойиҳалар юзасидан келишувларга эришилди. Эътиборлиси, уларнинг умумий қиймати 3 миллиард долларни ташкил этади.

Вилоятда мактабча ва мактаб таълими ҳамда спортни ривожлантириш бўйича ҳам сезиларли ишлар қилинди. Мустақиллик байрами арафасида ўнлаб янги ижтимоий муассасалар фойдаланишга топширилгани бунга яққол далил бўла олади.

ФАРҒОНА шаҳрида замонавий шаҳарсозлик меъморчилиги анъаналари асосида бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” массиви — Экошаҳардаги амфитеатрда мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллик тантаналари бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят аҳлини байрам билан самимий муборакбод этди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, мустақиллигимизнинг 33 йиллиги байрами муносабати билан юксак унвон ва мукофотларга сазовор бўлган 20 нафардан зиёд фарғоналик олоҳида эътироф этилди. “Париж — 2024” ёзги Олимпия ўйинларида чемпион бўлган икки нафар фарғоналик спортчилар гулдӯрос қарсақлар билан олқишланди.

Айтилганидек, кейинги етти йилда вилоятга қарийб 77 трлн. сўмлик инвестициялар жалб этилди ҳамда нуфузли хориж компаниялари ва тadbirkorлари ҳамкорлигида истиқболли лойиҳалар фойдаланишга топширилди. Аини пайтда вилоятда 729 та хорижий сармоа иштирокидаги корхона фаолият кўрсатмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида хорижлик инвесторлар ва маҳаллий тadbirkorлар томонидан умумий қиймати 1,3 млрд. доллардан ортқ бўлган мингдан зиёд лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди.

Файзли оқшомда машҳур эстрада юлдузлари ва ёш санъаткорларнинг чиқишлари барчага бир олам завқ улашди.

КАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида жойлашган амфитеатрда Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан вилоятнинг асосий байрам тadbiri бўлиб ўтди.



Унда воҳанинг барча ҳудудида, турли соҳа ва жабҳаларда фаолият кўрсатаётган фидоий инсонлар, меҳнат фахрийлари ва нурунийлар, иқтидорли ёшлар ҳамда узоқ ва яқиндан келган меҳмонлар иштирок этди.

Тadbirни Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов кириш сўзи билан очиб, барчани Мустақиллик байрами билан қутлади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз, шу жумладан, вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётида эришилган ютуқлар ҳақида тўхталди.

Таъкидланганидек, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қашқадарёда 400 млн. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. Тadbirkorлар ташаббуси билан янги-янги лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида ҳудудда ишсизлик даражаси 2 фоиз, камбағаллик 4 фоиз камайишига эришилган.

Мустақиллик шарофати билан турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, юз бераётган ўзгаришлар байрам дастурида ҳам ўз ифодасини топди. Эл суйган санъаткорлар ижросидаги дилбар наволар барчага хушайфият улашди.

ХОРАЗМ. Урганч шаҳридаги “Авесто” боғ мажмуасида “Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанимиз!” шiori остида ташкил этилган байрам дастури юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларга ниҳоятда манзур бўлди.

Тантананада сўзга чиққан Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов воҳа аҳлини қутлуг байрам билан табриклаб, ўтган давр мобайнида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида тўхталди, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига ургу қаратди.

Эл севган таниқли санъаткорлар, бахшию халфалар, фольклор жамоалари, эстрада хонандаларининг чиқишларида озод ва обод юртимиз, унинг толеи баланд меҳнаткаш халқи, бугунги дориламон кунларга шукроналик тананум этилди. Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг буюк мероси, сўнмас жасорати рамзий чиқишлар орқали ифодаланди.

«Халқ сўзи».



←1 Таъкидлаш жоизки, бу спортчимиз фаолиятидаги шахсий рекорд ҳисобланади. Элбек “Токио — 2020” Паралимпия ўйинларида ҳам совриндор бўлиб, айнан шу йўналишда бронза медалини қўлга киритган эди.

Умуман, пара енгил атлетика мусобақалари Ўзбекистон спорт делегацияси учун муваффақиятли кечмоқда. Хусусан, “F57” классида диск улоқтириш дастурининг финал баҳсида яна бир вақилимиз Мохигул Ҳамдамова 32.75 метр билан учинчи

погонани забт этди ва бронза медалига сазовор бўлди.

Ўзбекистон делегациясига яна бир олтин медални “F57” классининг найза улоқтириш баҳсларида қатнашган Ёрқинбек Одилов тақдим этди. У мусобақада 50.32 метр натижа кўрсатди.

Эркаклар ўртасида “F41” классида ядро улоқтириш дастурида эса ҳамюртимиз Бобур Омонов 14.32 метр натижа қайд этиб, олтин медални қўлга киритди. Спортчимиз ушбу натижаси орқали ўзи томонидан Токиода ўрнатилган Паралимпия

МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРДАН
НАВБАТДАГИ
МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

ўйинлари рекордини янгиледи. Маълумот учун, Б. Омонов бундан аввал “Токио — 2020” ёзги Паралимпия ўйинларида ҳам чемпионлиқни қўлга киритганди.

“T12” классидagi узунликка сакраш баҳсларида Дониёр Салиев қумуш медалга сазовор бўлди. Ҳамюртимиз муросазиз беллашувларда 7.16 метр натижани қайд этди.

Пара енгил атлетиканинг аёллар ўртасида “F54” классида ядро улоқтириш бўйича финал баҳслари яқунланиди. Ушбу дастурда қатнашган вақилимиз Нурхон Курбонова 7.75 метр натижа кўрсатиб, бронза медал билан кифояланди.

Пара таэквондо бўйича мусобақалар ҳам юртдошларимиз учун муваффақиятли бошланди. Хусусан, эркаклар ўртасида 80 килограммга вази тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Асадбек Тоштемиров мексикалик Луис Марио Нажерани 38:17 ҳисобида енгиб, чемпионга айланди. Яна бир маҳоратли пара таэквондочимиз Гулжанои Наимова “K44” классида 65 ки-



лограммдан юқори вазнда Буюк британиялик Эми Трюсдейлга қарши чемпионлик жангида жароҳат сабаб баҳсни яқунлай олмади ва қумуш медал билан чекланди.

Аини пайтгача делегациямиз ҳисобидаги медаллар жамғармаси 6 та олтин, 4 та қумуш ва 4 та бронзани ташкил этмоқда.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

БАЙРАМ КУНЛАРИДА...

байрам кунлари оила даврасида, айниқса, чарчоқларни ёзиш жуда мароқли. Ахир байрамнинг шуқуҳи, қувончи болалар билан-да!

Айём шуқуҳи кезиб юрган лаҳзаларда фарзандларим билан Фарғона шаҳрида янги қуриб битказилган Экошаҳарга бордик. Бу ерда ҳар кун байрам дастурилар намойиш этилиб, оилавий ҳордиқ чиқариш учун қулайликлар яратилган. Замонавий аттракционларда қийқариб, шодланиб учаётган жажжи болаларнинг нигоҳида эртанги кунни, юртимиз истиқболлини кўргандай бўламан.



ҚИРМИЗИ ОЛМА

Оқшом сайли жуда ҳам макрокли ўтди. Бир олам таасуротлар билан уйга қайтар эканмиз, эҳтиёж тўфайли ёнигли куйиш шохобчасига киришга тўғри келди. Машинада болаларни кўрган шохобча ишчи-ҳодимлари уларга ширинликлар улашди. Шу лаҳзаларда болалар кўзидаги қувончни кўрсангиз эди! Бола қувонса, эл қувонади, деган ҳикмат мағзини қаққандек бўлдим.

Йўл-йўлакай уйга ошиқар эканмиз, светофорнинг қизил чироғида машинани тўхтатдик. Ёнма-ён келиб тўхтаган машинадаги амаки болаларга табассум билан қўл силтади. Болалар ҳам бунга жавобан қий-чув қилиб, жажжи қўлчаларини ҳаракатлантиришди. Машина ўриндиғида ўтирган 8 ёшли ўғлим аини лаҳзаларда бениҳоя хурсанд эди. У кутилмаганда:

— Аяжон, шу меҳрибон амакига битта шоколадимни берсам майлими? — деб қолди.

Розилик билдирганимдан

сўнг ойнадан ёши улуг ҳайдовчиға ширинлигидан биттасини узатди. Амаки ҳам хурсанд бўлиб олди. Яшил чироқ ёниб, йўлда давом этдик. Кейинги светофорда яна қизил чироқ ёниб, ёнма-ён тўхтаганимизда ўша амаки энди ўғлимга бир дона қирмизи олма узатди. Ўғлим олди ва роса севинди.

Шу лаҳза доноларнинг “Яхшилиқнинг мукофоти яхшиликдир”, деган пурмаёно ўғити ёдимга тушди. Кадрдон уйимизга етиб келгач Экошаҳар хиёбонларида югуриб, турли кўнгилочар ўйинлар ўйнаб обдан чарчаган болалар бир зумда ухлаб қолишди.

Эрта тонгда ишга кетаётиб маҳалладан катта йўлга чи-

қишда қўшнимиз фарзандини боғчага олиб кетаётганини кўриб, узоғини яқин қилиш ниятида тўхтадим. Она-бола мамнун бўлиб машинага ўтиргач, одатимга кўра кичкинтойға бирор егулик, ширинлик қидириб кўзим кечаги олмага тушди. У кўзни қувнатадиган даражада товланиб турарди. Афтидан ўғлим уни кеча машинада унутиб қолдирган.

Болакай олмани қўлига олар экан, қувонганидан совгани онасига кўз-кўз қилди. Кейин икковлон биргалашиб, менга раҳмат айтишди. Уларни манзилига етказиб, йўлимда давом этарканман, қаерда бўлса ҳам ризқ ўз эгасини топишига чин дилдан иқрор бўлдим.

Атиги битта олма бир неча қалбларни қадрдон ришта каби ўзаро боғлади. Дарҳақиқат, дунёни меҳр асрайди. Бугунги долғали замонамизга бегубор болалар нигоҳи билан назар ташласак, бундай туйғудан қалбимиз ором топади. Айёмингиз муборак бўлсин, юртдошлар!

Гулнора ЮНУСОВА,
журналист.
Фарғона вилояти

ҚИСКА
САТРЛАРДАТошкент аэропортида янгиланган
учиш зали очилди

Тошкент халқро аэропортида реконструкциянинг навбатдаги босқичи яқунланди ва бу аэропорт терминалини кенгайтириш имконини берди.



Хусусан, 2021 йилдан ҳозирги кунга қадар халқро авиақатновлар терминалининг майдони 45 минг квадрат метрдан 65 минг квадрат метргача кенгайтирилди.

Янгиланган учиш залининг очилиш маросимида таъкидланганидек, учиш кетиш терминалида майдони 2500 квадрат метрдан ортқ бўлган кенг зал қурилган бўлиб, бу ердан йўловчилар рўйхатдан ўтиш жойига лифт ёки эскалаторлар орқали чиқишлари мумкин. Зал ва асосий терминал биноси ўртасида ўриндиқли кичик “яшил” майдон мавжуд.

Муносиб тўхфа

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида Олмалик кон-металлургия комбинати ҳомийлигида Оққўрғон туманидаги “Элтамғали” МФЙда болалар боғчаси ва тураржой биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Гап шундаки, 40 йил давомида қурилиши тугалланмай турган боғча биноси 80 ўринли замонавий боғчага ҳамда 14 та 2 хонали тураржой мажмуасига айлантирилди.

Болалар боғчаси барча жиҳоз билан тўлиқ таъминланди. Унинг фойдаланишга топширилиши натижасида 25 та янги иш ўрни ҳам яратилди.

Шунингдек, икки қаватли бинодаги 14 та 2 хонали хонадонлар ҳам ўз эгаларига топширилди. Ушбу хонадонларда эндиликда боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 14 та оила истиқомат қилади.

«Халқ сўзи».

Хитойнинг Гуандун музофотида «Ўзбекистон билан бизнес қилинг» мавзуида бизнес-форум ташкил этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 12 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.12 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6